

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

Э.Қ.Қудратовни Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари этиб
тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
93-моддасининг 9-бандига мувофиқ;
Эркин Қулназарович Қудратов Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб
тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 22 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармоиши

Э.Т.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси
Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
ва назорат идоралари фаолиятини муво-
фиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси
хизматининг адлия, прокуратура ва суд
масалалари бўйича Бош инспектори
лавозимига тайинлаш тўғрисида

Эшдавлат Турсунович Жўраев - Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи ва назорат идоралари фаолиятини муво-
фиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хиз-
матининг адлия, прокуратура ва суд масалалари
бўйича Бош инспектори лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 22 июль

ЭРКИН ҚУДРАТОВ

Қудратов Эркин Қулназарович, 1958 йилда Бу-
хоро вилоятининг Пешку туманида туғилган. Мил-
лати ўзбек, маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1987
йили Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшу-
нослик факультетини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Пешку туман
судида суд ижрочилигидан бошлаган. Сўнгра Бухо-
ро вилояти Вобкент туманида Давлат нотариуси,
Ромитан туман судининг иш ўрганувчи судьяси,
Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани судининг судья-
си, Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
ва Бухоро вилоят судининг раиси лавозимларида
хизмат қилган.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим
йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқлари ва иқтисодий исло-
ҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари,
вазирлик, кўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари қатнаш-
дилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мажлисда иштирок этди ва маъруза
қилди.



Болаликка буюк ҳурмат, эҳтиром билан қараш лозим.

ЮВЕНАЛ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ПРОКУРАТУРА

Адолатли, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш вазифаси барча-
миздан, айниқса ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан алоҳида
масъулият талаб қилади. Қонунларнинг аниқ ва бирдай бажарилиши
устидан тўғридан-тўғри назорат қилувчи прокуратура идоралари
зиммасига бу борада улкан вазифалар юкланган, десак муболага
бўлмас. Қуйида Сирдарё вилоят прокуратураси идораларининг қонун
устиворлигини таъминлаш борасида амалга ошираётган чора-та-
дбирлари ҳақида ҳикоя қилинади.

САРХИСОБ

Прокуратура идорасининг ўзига
хос салобати бўлади. Ҳар дом
юзларида жиддийлик, вазминлик
акс этиб турадиган кишилар мас-
канига кириб борар эканмиз, бу ерда-
ги узлуksиз ишчан муҳитга дуч ке-
ламиз. У ёки бу томонга бироз шо-
шилиб оидимлаётган ходимлар қўли-
даги ҳужжатлар юзасидан бир-бири
билан бир зумгина маслаҳатлаши-
шар, кўпчилиги эса ўз иш жойлари-
да жимгина машғулотлари билан
банд. Уларнинг ишга бўлган масъу-
лиятлари бутун хатти-ҳаракатлари-
да сезилиб турибди. Мана, кўча
эшикдан қимтинибгина кексароқ бир
киши кириб келди. Унинг кимлиги
билан қизиқамиз. Маълум бўлиши-
ча, бу оқсоқол Мирзаобод тумани
«Дехқонobod» ширкат ҳўжалигида-

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

«Райимқул» фермер ҳўжалиги
раҳбари Райимқул ота Қулматов
экан. У киши «Гулистон экстракте»
корхонаси билан шартномавий маж-
буриятларни бажариш юзасидан
муаммолар юзага келганлигини
баён қилди. Умумий назорат бўли-
ми прокурори Муроджон Эшназа-
ров деб ўзини таништирган ходим у
кишига тегишли тартибда шикоят-
нинг кўриб чиқилишини билдирди.
Кечагина эмасмиди, прокуратура

ходимлари билан оддий фуқаролар
орасида улкан жар ястаниб ётган,
прокуратура ходимлари оддий фу-
қаронинг, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқ-
лари, эркинликларига менсимасдан
муносабатда бўлган кўнлар. Ати-
ги тўққиз йил. Тўққиз йил давомида
прокуратура идоралари фаолияти
буткул бошқа ўзганга, бошқача асо-

рафли вазифаси деб изоҳласа ҳам
бўлади.

Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий демократик
давлатнинг ҳуқуқий асослари
ўз-ўзидан яралиб қолмайди. Келинг,
бир солиштириб кўрайлик. Тўққиз
йил илгари тоталитар тузумнинг
мудҳиш таъйиқи остида коммунист-
тик мафкура манфаатларининг хиз-
маткори бўлиб келган прокуратура
ходимлари инсон ҳуқуқлари ва эр-
кинликларининг, ижтимоий адолат
тамойилининг ҳақиқий ҳимоячиси
бўлмаганлиги бугун барчамизга
аён. Гапни мухтасар қилайлик-да,
ўша фаолиятнинг бир қирраси
бўлган ташвиқот - тарғибот ишлари
ҳақида бироз тўхталиб ўтайлик.

ТАШВИҚОТ ВА ТАРҒИБОТ ЧОРАҲАЛАРИДА

Яқинда Гулистон шаҳрида «Қо-
нунчилики тарғиб қилиш ва аҳоли-
нинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш-
да матбуотнинг ўрни» мавзусида
бўлиб ўтган конференцияда рес-
публикаимизнинг барча ҳудудлари-
дан вакиллар қатнашди. Бундай ну-
фузли анжуманнинг Гулистон шаҳ-
рида ўтказилиши бежиз эмас. Не-
гаки, Сирдарёда матбуот орқали
(Давоми 5-бетда).

ТАДБИР

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАДА ХАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ҳар-
бий прокуратураси хайъатининг кенгайти-
рилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбе-
кистон Бош прокурорининг ўринбосари —
Республика Ҳарбий прокурори Баҳодир
Дехқонов олиб борди.

Қўн тартибидagi масала юзасидан Рес-
публика Ҳарбий прокурорининг 1-ўринбо-
сари Н.Азимовнинг маърузаси тингланди.
Йиғилишда Ҳарбий прокуратура идо-
ралари Муҳофаза ва Фавқулодда вазият-
лар вазирликларида, Давлат чегаралари
ни ҳимоя қилиш кўмитасида, МХХ ва Ички
Ишлар вазирлигининг ички ва қорувул
қўшинларида ҳарбий интизомни мустах-
камлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик-
нинг олдини олиш, ҳарбийларнинг яшаш
шароитини яхшилаш юзасидан қўмондон-
ликлар билан ўтказилган тадбирлар ҳақида
сўз борди.

Айни вақтда, Навоий, Жиззах ва Сама-
рқанд ҳарбий прокурорлари ҳамда Ҳарбий
прокуратуранинг айрим ходимлари фао-
лиятларида йўл қўйган хато ва камчилик-
лар кўрсатиб ўтилиб, уларни бартараф
этиш чоралари белгиланди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегиш-
ли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

«ХУҚУҚ»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:**А.АБДУРАЗЗОҚОВ****Таҳрир ҳайъати:**

Мэлс Наимов,
Ботир Пўлатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Комилжон Исмоилов,
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Фуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютерда саҳифаланди.

«Хуқуқ» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 652
Нусхаси — 11613
Босмаҳонага топшириш
вақти 20.00
Босмаҳонага
топширилди 19.30

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Ш.ЕДГОРОВ
Навбатчи: Н.МАХМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ИБРАТ

«Кейинги йилларда Шофиркон туман прокуратураси томонидан жиноятчиликка қарши кураш, тергов ҳамда суриштирув устидан назоратни амалга ошириш айнан Республика Бош прокурорининг 13, 25-сонли буйруқлари, шунингдек, терговга оид бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос равишда ташкил қилинганлиги натижада жиноятчиликнинг камайишига, тергов сифатининг яхшиланишига эришилган.

Туман прокуратурасида мавҳум ҳолатларда содир этилган оғир, ўта оғир жиноятларни аниқлаш, фош этиш ҳамда тергов қилишда ўзига хос ижобий тажрибалар тўпланган».

Юқоридаги сатрларни Бухоро вилоят прокуратурасининг барча шаҳар ва туман прокурорларига йўллаган «Йўналишувчи хат»идан келтирдик. Мазкур хатда таъкидланганидек, туман прокуратураси жиноятчиликка қарши кураш бора-сида муҳим ютуқларга эришган.

Айниқса, мураккаб ва сирли жиноятларни оғирлаш катта тажриба ва билим тўпланган.

1999 йил 10 август кунини соат 13 ларда тумандаги Э.Жумаев номида жамоа ҳўжалигида жойлашган «Мингбулок» болалар оромгоҳи ёнидан охиб ўтувчи «Жилвон» каналидан 40-45 ёшлардаги аёлнинг қўтиллиқ аломатлари кўриниб турган жасди топилади. Воқеа содир бўлган жой туман прокурори раҳбарлигидаги тергов-тезкор гуруҳи томонидан, криминалистик техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда сичковлик билан қўздан кечирилиб, ҳужжатлаштирилади. Бироқ, аёлнинг шахси ва жиноятчини аниқлашга ёрдамлашадиган бирон-бир далил топилмади. Ҳамкорликда ўтказилган кенг камровли тезкор қидирув тадбирлари натижада шу куннинг ўзида жиноят қурбони бўлган аёл Бухоро шаҳрида яшаган, икки бор турмуш қуриб ажралиш-

ЮКСАК ИШОНЧ БЕЛГИСИ

ган, уч нафар фарзанднинг онаси Тўлғаной Раҳимова эканлиги аниқланган. Жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари шуни кўрсатдики, марҳуманинг Шофиркон ёки унга яқин туманларда таниш-билиш, қариндош-уруғлари бўлмаган. Шундан сўнг тергов гуруҳи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тергов ҳаракатлари ва таҳминларнинг изчил режаси ишлаб чиқилди. Бухоро шаҳрида марҳума яшаб келган манзилдаги кўни-қўшнилари сўроқ қилинганда аёл турмуш ўртоғидан ажралишган, Шофиркон туманида яшовчи Ботир исмли йигит билан қонунсиз яшаб келганлиги, 9 август кунини уларнинг биргаликда қаергадир қатлониқлари маълум бўлди. Шундан сўнг

гаплари қочиб, Тўлғаной ўзини каналга ташлаб, чўкиб кетганлигини баён қилади. Бирок, олинган қўшимча маълумотлар асосида туман прокурори М.Бекмуродов томонидан алоҳида тергов тактикаси қўлланилиб қилинган қўшимча сўроқ жараёнида Б.Раҳмонов марҳумадан катта миқдорда қарз олганлигини тан олади. Қарзини талаб қилаверган, аёлни Шофиркон туманига олиб борганини, «Жилвон» канали бўйида дам олиш учун ўтирган чоғларида ундан қутулиш мақсадида Тўлғанойни томоғидан бўғиб, сувга чўктирганлигини тан олиб, кўрсатма берган.

Иш юзасидан тўпланган материалларга асосан Б.Раҳмонов қамқоққа олинадиган ЖКнинг тегишли модда-

лари билан айбланиб, судга берилмади. Бу М.Бекмуродов бошчилигидаги туман ҳўқуқни муҳофаза қилиш ходимлари фаолиятидан кичик бир лаҳза, ҳолос.

Вилоят прокуратураси томонидан фойдаланиш учун таъсия қилинган деярли барча йўналишувчи хат мазмунинда Шофиркон туман прокуратурасининг ибратли ишлари қайд қилиб борилиши бежиз

эмас. Бу борада туман прокурори М.Бекмуродовнинг вилоят прокуратурасида турли лавозимларда ортиртган кўп йиллик касбий тажрибаси қўл келаётди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, касб фидойиси бўлган Муҳаммад Бекмуродов ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, у ўз билими, маҳорат ва жасоратини намойиш эта олиши учун кенг имконият очилди.

Адлия маслаҳатчининг кўп йиллик самарали меҳнати эътиборга олинди, у «Жасорат» медалли билан тақдирланди.

Эл орасида, «мард майдонда синалади», деган гап бор. Прокурор қўксидан митти қўйшедк шуъла-ниб турган ана шу ифтихор тимсоли кўп сонли бухорлик қонун ҳимоячиларининг беъмнат меҳнатлари эвазига берилган юксак ишонч белгиси эканлигини фахр билан тилга олиш мумкин.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
журналист

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ

ЁХУД МИЛИЦИЯ УЧАСТКА НОЗИРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ҳаётда шундай касб эгалари ҳам борки, улар ҳамма вақт халқ билан бирга бўладилар, туну кун ором билмайдилар. Тўю маъракаларида тик турадилар. Улар одамлар дарди, қувончи ва ташвишлари билан ёниб яшайдилар. Булар ички хизмат участка нозирларидир.

Тўртқўл тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Икромбек Сержанов билан айнан шу соҳа ходимлари фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

лашди. Иккинчи ўрин Н.Эламонов ва О.Дурдиев номида ҳўжаликлар участка нозир, милиция капитани Нейматилло Ражабова, учинчи ўрин Тўртқўл шаҳри ва Навоий маҳалласи участка нозир, милиция лейтенанти Бахтиёр Ўтеповга насиб қил-

корлаганинг энг муҳим ҳалқаси, деб ўйлайман. Сиз нима дейсиз, балки участка нозирларини тайёрлайдиган махсус мактаб керакдир?

— Тақлифингиз эътиборга лойиқ. Лекин бизда ишлайётган участка нозирларининг деярли барчаси Тошкент олий милиция мактабидан, олий ва ўрта махсус билим юртрларида таълим олиб қайтишган.

— Туманда участка нозирларига яратилаётган шарт-шароитлар ҳусусида ҳам гапирсангиз?

— Туманимиз катта. Марказга эллик-олтмиш километр йўл босиб келадиган одамларимиз бор. Қўриқли турибдики, жабронувчи ва ариза-уйғунинг туман марказига келиб-кейтиши қийин кечади. Биз шу сабабдан ўтган йили туманимиз ўз-қўшқалъа массивида милиция участка пунктини қурган эдик. Шундай пунктларни «Шураҳон» ва «Ўзбекистон» ҳўжаликларидан ҳам ҳашар йўли билан барпо қилдик. Ҳозир у ерда халқ посбонлари, участка нозирлари аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Ариза ва шикоятлар жойида ҳал қилиб бори-ляпти. Шу кўнларда туманимиз Гулистон, Ҳамза маҳаллаларида ҳам милиция таянч пунктлари қурилиши бошлаб буюрилган. Милиция ходимлари учун яна бир қўлайлик: урта замонавий коттеж қурилиши ҳам нисоясига етай деб қолди.

Ходимларимиз ҳар йили дам олиш оромгоҳларида оила аъзолари билан бепул ҳордиқ қириқиб қайтишяпти. Спорт секциялари, сауна ишлаб турибди. Уларда ходимларимизнинг оила аъзолари ҳам келиб шуғулланишлари мумкин.

— Тилак ва истакларингиз?

— Тилагим шунки, биз ички ишлар ходимларига қўрсатилган ҳам-хўрлик замирида ҳўкуматимизнинг соҳа ходимларига катта эътибори етати. Ишонччи оқлаш ҳар бир милиция ходимининг шарафли бурчи-дир.

Истагим, юртимиз тинч, болаларимиз ўйнаб-қулиб юришсин. Шундай бағри кенг халққа фарзанд бўлганидан чексиз фашрланаман.

Суҳбатдош: Н.ОҚАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири



М.Сержанов ички ишлар органларида иш бошлаганга 15 йилдан ошяпти. Ёш, принципал раҳбар. У бош бўлган туманда жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бормоқ-да.

Дилкаш, суҳбатлашгани ёқтиради. Тарихий китоблар жониди. Янгиликка иштилоуван, тишиб-тинчимас раҳбар. Яқинда унинг ташаббуси билан «Энг яхши участка нозир» кўрик танлови ўтказилди. Ҳаётдаги эътиқоди — қонун устиворлигини таъминлаш. Ошлал, 4 нафар фарзанди бор.

*Йигит бўлсанг арслондай туғилган,
Хизмат қилгин ҳамма вақт халқ учун.*
Бердак

вазирлигимиздан вакиллар келишди. Кўрик-танловда участка нозирларининг фақат милиция ходими сифатида эмас, балки уларнинг бошқа соҳаларга бўлган қобилиятлари, инсонийлик фазилатлари ҳам синаб кўрилди. Айниқса, участка нозирининг мазкур ишга бўлган қизиқиши, иш жойида ўзини тутта билиши, озодалиги, хоналарини жиҳозлаш ва безатиш, маҳалла ёки мазеа ахли ўртасидаги обрўси каби жиҳатлар ҳам ҳисобга олинди. Энг муҳими, ўзи ишлайётган участкада жиноятнинг олдини олиш бўйича олиб бораётган ишлари асосий диққат марказида бўлди. Ҳайбат аъзолари биринчи ўрини «Мискин» ва «Ғалаба» ҳўжаликларига участка нозир, милиция катта лейтенанти Шўхрат Жумабоевга беришди ва рангли телевизор билан муқофот-

— Икромбек ака, яқинда туманда яхши тадбир — «Энг яхши участка нозир» кўрик-танлови ўтказилди. Бундан қандай мақсад кўзланган эди?

— Ҳақиқатини айтадиган бўлсам, биз бугун тарихда қоладиган ўзгаришлар даврида яшамокдамиз, яъни мустақилликни мустаҳкамлашга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўйишга интиляпмиз. Шундай экан, мамлакатимизнинг тинч-осойишта бўлиши, янада гуллаб-яшнаши сиз билан бизга боғлиқ. Ўртбошимизнинг «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келаҳиши учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтиёр» деган сермаъно сўзлари худди биз, ички ишлар ходимлари учун айтилгандай туюлади.

Вақт — отилган ўқ. Уни тўхтатиб бўлмайди. Ундан қандай фойдаланиш эса ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Ахли расо одам токи ҳаёт экан, Ватани, халқи учун қуйиб-пишиб хизмат қилиши лозим.

Сиз тилга олиб ўтган тадбирни ўтказишдан мақсад — ходимларимизнинг ўз ишларига муносиблигини аниқлашдан иборат эди. Бунга эришдик ҳам.

— Бу танловда кимлар энг яхши участка нозир, деб тан олинди? Қайси жиҳатлари учун улар тоғиб деб топиладилар?

— Тадбирни ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрдик. Ҳокимликдан,

ТАҲРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

Бизга жавоб берадилар

ЛЕЙТЕНАНТ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Наманган вилоятининг Чуст тумани, Варзёқ қишлоғида яшовчи Б.Иномов таҳририятимизга бўлаган шикоят хатига туман ИИБнинг паспорт бўлими ходимларининг унга нисбатан тўраларча муносабатда бўлаётганликлари туфайли фуқаролик паспортни ололмаётганлигини баён қилган эди. Б.Иномовнинг аризаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрганилиб чиқилгач, таҳририят қуйдаги жавоб хатини олди:

Фуқаро Б.Иномовнинг паспорт олишида сарсон бўлаётганлиги ҳақида таҳририятга ёзган аризаси Ички ишлар вазирлиги томонидан кўриб чиқилди.

Маълум қиламизки, фуқаро Б.Иномовнинг аризаси текшириб чиқилганда, унда келтирилган ҳолат тасдиқланди. Шу муносабат билан паспорт олишида сарсонгарчиликка йўл қўйган Чуст туман ИИБ паспорт бўлими ходимлари вазифасини бажарувчи, милиция лейтенанти Т.Бузрукхўжаев қаттиқ огоҳлантирилди.

Фуқаро Б.Иномов билан суҳбат ўтказилиб, фуқаролик паспортини олиш учун туман ИИБга қандай ҳужжатлар тақдим этиши лозимлиги тушунирилди.

С.МИРАХМЕДОВ,

Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Хат ортида инсон бор

«ҲАЁТИМ НАҲОТ ЎЙИНЧОҚ БЎЛСА?!..»

Хурматли таҳририят!

Менга тўғри маслаҳат ва қўмак берасизлар, деган ниятда мактуб йўлламоқдам.

Мен 1998 йилнинг 9 майида Оқдарё туманига келиб бўлиб тушдим. Турмуш ўртоғим Ҳайрулла Пардаев жамоа хўжалигида ишларди. У менга уйланишидан олдин аввалги хотинимдан фарзанд кўрмаганим учун ажрашганман, деган эди. Кейин билсам, у икки марта уйлانган ва иккала хотини билан ҳам никоҳни қонуни бекор қилмаган экан. Ота-онам ва менинг талабларимизни инобатга олмасдан, никоҳдан ўтишни пайсалга солиб юрди...

Орадан бир йил ўтар-ўтмас у мени сен билан яшашни хоҳламайман, уйингга кет, деб ҳайдаб юборди. Ҳозирда ҳолимадорман, отамнинг уйида яшай келаяпман. Эрим эса ҳозирда иккинчи хотини билан яшай келмоқда. Мен эса нима қилишни, кимга мурожаат қилишни билмай асосатдам. Фарзандим туғилгач, унга қандай гувоҳнома оламан, уни отасиз қандай вояга етказаман? Менинг тақдиримчи? Наҳотки, кимлар учундир ҳаётим ўйинчоқ бўлса?!

Яна бир саволим: — Икки-учта инсоннинг тақдирини топтаган «азамат»га бирон чора борми?

Гулноза ЭШОНҚУЛОВА,
Оқдарё тумани

Ушбу шикоят хати юзасидан Оқдарё туман прокуратураси текшириш ўтказиб, қўйлағларини маълум қилган:

Аниқланишича, М.Улугбек ширкат хўжалигининг ўтарчи қишлоғида яшовчи фуқаро Х.Пардаев М.Номозова билан 1990 йил қонуний никоҳдан ўтиб, 1991 йилгача биргаликда яшаб, 1991 йил суд орқали қонуний никоҳдан ажрашган. 1993 йил Н.Ғаниевага уйланиб, Иштихон туманидаги «Чорада-ра» ФХДБ бўлимида қонуний никоҳдан ўтиб, 1998 йилнинг май ойигача яшаб, ўрталарида фарзанд бўлмаганлиги учун вақтинча ажралишган. Шундан сўнг 1998 йилнинг июн ойидан ариза муаллифи Г.Эшонқулова билан қонуни 1999 йилнинг сентябрь ойигача бирга яшаганлиги ва ўзаро келишмаганлиги сабабли ажралишганлиги маълум бўлди.

Текширув давомида Х.Пардаевнинг Н.Ғаниева ҳамда Г.Эшонқуловлар билан умумий рўзгор қилиб яшамаганлиги ҳолати аниқланди. Унинг ҳаракатида қонунибузилиш ҳолатлари мавжуд эмас. У ўзининг тушунтиришида фуқаро Г.Эшонқулова билан бирга яшаш учун шартит яратиб, туғилган фарзандига оталик қилишни билдирган. Бундан ташқари ариза муаллифи Г.Эшонқуловга фуқаро Х.Пардаевга нисбатан оталикни белгилаш ва нафақа ундириш ҳақида туман судига мурожаат қилиши мумкинлиги тушунирилди.

Н.ЖАБОРОВ,
Оқдарё туман прокурори,
I даражали ҳуқуқшунос

Савол ва жавоб

«ШУҲРАТ МАСТ БЎЛГАН...»

1999 йил 17 ноябрь кuni бошимга оғир мусибат тушди. Ўша кuni соат 17-18 лар чамасида жуда катта тезликда келаётган «Нексия» машинаси йўлнинг чап томонидаги электр сим-ёғочининг бетон тиргагига келиб урилади. Натижада тиргак парчаланиб кетиб, унинг бир бўлаги йўл четида турган 6 ёшли ўғлим Муҳриддиннинг оёғига келиб тегади ва унинг оёғи синиб кетади. Воқеа гувоҳларининг айтишича, тезлик шу даражада катта бўлганки, машинанинг кузови парчаланиб, мотори жойидан чиқиб кетган. Давлат раҳами 19 С 7117 бўлган бу машинанинг эаси Шуҳрат

эса қаттиқ маст ҳолатда бўлган.

Биз зудлик билан ўғлимни касалхонага олиб бордик. Ўша кундан, яъни 17 ноябрдан 2000 йилнинг 27 февралгача шифохонада ётдик. Шу давр ичида шифокорлар ўғлимни уч марта операция қилишди.

Ҳозир ўғлим уйда. Хали ҳам юра олмайд, Синган оёғи иккинчидан 6-7 см. калта бўлиб қолган. Даволаш учун яна маблағ керак.

Ўғлимни шундай азобларга гирифторм қилган Шуҳрат ўзини айбдор ҳис этиб, ҳатто бирон марта ҳолимидан хабар олмади. Биз юқоридаги воқеага қону-

ний баҳо беришни сўраб Денов туманларо прокуратурасига бир неча бор мурожаат этдик, аммо биронта шикоятимизга жавоб ололмаганимиз йўқ.

Хурматли Бош муҳаррир, Сиздан қуйидаги саволларимга жавоб олишни истардим:

1. Қонунибузилишига йўл қўйган Шуҳрат қилишига жавоб берадими?

2. Ўғлимнинг соғлигига, бизнинг ошлага келтирилган моддий ва маънавий зарарни ундириб олишимиз мумкинми?

Хурмат билан
Шарофат ИБРОХИМОВА,
Денов тумани

Ушбу шикоят хатини апрофлича ўрганиб чиқиш учун Сурхондарё вилоят прокуратурасига юборганмиз. Яқинда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, аслича кичик маслаҳатчиси М.Қурбонов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«ҚОНУНИЙ ТЎХТАМГА КЕЛИНАДИ»

... Аниқланишича, 1999 йил 17 ноябрь кuni Нуриллаев Шуҳрат ўзининг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли 19 С 7117 давлат белгилли автомашинасини енгил даражада маст ҳолда Денов шаҳар йўналиши бўйлаб бошқариб бораётган, йўлнинг қарам-қарши томонида югуриб чиққан вояга етмаган Тиллаев Муҳриддинни уриб кетмаслик учун машинани четга буриб, йўл ёқасидаги столбага бориб урилиш натижасида столбадан тош парчаси отилиб М.Тиллаевнинг ўнг оёғига тегиб суд — тиббиёт экспертизаси ҳулосасига кўра, соғлигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан тумани ИИБ ТБ терговчиси А.Тўйчиев томонидан тергов олди текширув олиб борилиб, Денов туманларо суд-тиббиёт экспертизасининг 1999 йил 25 ноябрь кунги Тиллаев М. «Соғлигини бузилишига сабабчи бўлган тан жароҳати» олганлиги тўғрисида берган ҳулосасига кўра Нуриллаев Шуҳратга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад этилиб, материал маъмурий чора кўриш учун туман

судига юборилган.

Ушбу материал 1999 йил 20 декабрь кuni туман судида кўрилиб, Нуриллаев Шуҳрат Ўзбекистон Республикаси МЖКТнинг 131-моддаси 1-қисми ва 133-моддалари билан маъмурий жавобгар деб топилиб, 8750 сўм миқдорида жаримага тортилган.

Фуқаро Ш.Иброҳимованинг кейинги ёзган аризаларига асосан Нуриллаев Шуҳратга нисбатан бўлган материал Денов туманларо прокуратураси томонидан назорат тартибида ўрганилиб чиқилиб, М.Тиллаевнинг олган тан жароҳатида аниқлик киритиш мақсадида жорий йилнинг 26 июнь кунинда Сурхондарё вилоят суд-тиббиёт экспертизаси бюросига қайта суд-тиббиёт экспертизаси тайинланган.

Экспертиза ҳулосасининг натижаси бўйича мазкур материал юзасидан қонуний тўхтамга келинади.

(Хат айрим қисқартишлар билан, тахирсиз эълон қилинди).

Мададталаб мактуб

«ҚИЗЛАРИМНИНГ ТАҚДИРИДАН ИЗТИРОБДАМАН»

Ассалому алайкум хурматли таҳририят!

Охириги умидим Сизлардан бўлгани учун ушбу хатни ёзаяпман.

Мен Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Хўжалар қишлоғида яшайман. Оиламиз тинч, ўзимизга тўқ яшар эдик. Кейин 2-3 болаларим ногирон туғилди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Қайнонам «Сен ўғлимни бахти қаро қилдинг, ногирон бола туғиб бериб», деб уйдан ҳайдамоқчи бўлди. Лекин эрим мени ўшанда тушунди, «Майли, ногирон бўлса ҳам ўзимга керак», деб мени ёнидан узоқлаштирмади.

Йиллар ўтиб, қизларим ўсиб-ўлғайди. Улар улғайган сайин, қизларимнинг тақдири мени изтиробга сола бошлади. Уларнинг келажаги мени қаттиқ ташвишга соларди.

Қизларим ногирон бўлса-да, барибир ўқишни керак. Шу мақсадда уларни ўқитмоқчи бўлдим. Қизларимни Бухоро шаҳридаги 123-мактаб интернатга бермоқчи бўлдим. Аммо, баъзи бир муаммолар туфайли бу ниятимга эриша олмадим.

Кейин, суриштирсам, менга ўхшаган жабрдийдалар бор экан. Мутахассис ўқитувчи ҳам топдик. Халқ таълими ва ҳокимиятга мурожаат билан чиқдик. Улар таклифимизга рози бўлишди. Шундан сўнг «Лола» болалар бoғчасининг 3 та хонасини янги гуруҳга беришди. 11 нафар қар ва гуно бола ушбу жойга қатнаб, машғулотларни бошлашди. Эшитганлар ҳаммаси яхши ишни бошлабсизлар, дея бизнинг саёй-ҳаракатларимизни маъқуллашди.

Бу йил болалар 1-синфга ўтишлари керак эди. Лекин «боғча гуруҳи»ни давлат ҳисобига ўткази олмадик. Бухоро вилоят Халқ таълими бошқармаси, вилоят ҳокимлигининг молия бошқармаси бошқармаларига учрашдик. Аммо, биронтасидан тайинли жавоб ололмадик. Турли хил сабабларни рўқач қилишди.

Болаларимиз отам, онам деган сўзларни айта олмасалар ҳам, шу сўзларни ёзиб берса бўлди эди бизларга. Колаверса, ногирон болаларнинг таълим олишига ҳақли эканликлари қонуларда ҳам белгилаб қўйилган-ку. 1992-1994 йилларда туғилган ногирон болалар 37 нафарни ташкил қилади. Улар учун кичик бир мактабми, ёки бир гуруҳми ташкил этилса, менга ўхшаган ота-оналарнинг дилидаги орзулари амалга ошган бўларди.

Марғуба ИСКАНДАРОВА

Саҳифани Д.ИСЛОМОВ тайёрлади




САҲИФАЛАРИМИЗДА:

СИРДАРЁ


ВИЛОЯТ

ПРОКУРАТУРА

ИДОРАЛАРИ



Прокуратура эл хизматида.




Ширин шаҳар прокуратураси учун янги бино.

ФОТОЛАВҲАЛАР



Вилоят прокуратурасининг масъул ходими Илҳомжон Эгамбердиев қабулга келган фуқаролар билан суҳбатда.



Вилоят прокурорининг 1-уринбосари Тўйчибой Ҳайиталдиев ҳузурида навбатдаги тезкор йиғилиш.

ПРОКУРАТУРА ВА ДАВР

«БИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР»

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ
ЭШМАМАТ БЕРДИМУРADOV
БИЛАН СУҲБАТ



деб эълон қилди ва қуйи раҳбарлардан шу кўрсатмага қаттиқ риоя қилинишини талаб қилди. Натижада деҳқоннинг манфаатдорлиги ошди, ҳосили ҳам шунга яраша бўлди. Прокуратура эса қонун талаби бажарилишини назоратга олди. Буни ҳам эркинлаштиришга яна бир мисол дейиш мумкин.

— **Ҳокимият тизимида прокуратуранинг ўрни қандай бўлиши лозимдир ҳусусида турли фикрлар бор. Шу тўғрисида, умуман прокуратура, прокурорлик назоратида ҳам ўзгаришлар бўлиши керакми?**

— Ўзгаришлар доим бўлади. Чунки давр, ҳаётнинг ўзи олдимишга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, илгари диний экстремизм, терроризмга қарши кураш тўғрисидаги ёки шартномалар тўғрисидаги, хусусий мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш унчалик долзарб эмас, гўёки бундай ҳуқуқий муносабатлар бизда йўқ эди. Ҳаётнинг ўзи прокуратура идораларига бу соҳада масъулиятни юклатди.

«Прокуратура тўғрисида»-ги қонун янги лойиҳада тайёрланмоқда ва унда давр талаблари эътиборга олинган, албатта.

Энди, ҳокимият тизимида прокуратуранинг ўрни тўғрисида: Меним

ча, прокуратура давлат ва жамият учун энг керакли идора ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, у шакланган идора, қонун назорати борасида бой тажриба тўплаган, шу йўналишда кучли мутахассислар тайёрланган. Прокуратура бажарётган ишлар кўлами ниҳоятда катта. Тасаввур қилинг, ҳозирги пайтда қайси идора ёки ташкилот прокуратуранинг ўрнини босиши мумкин? Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ижросини назорат қилишнинг бошқа самарали механизми борми? Ҳўш, шундай экан, нега ҳар хил назарий баҳсларга берилишимиз керак, нега «ғарбда ундай», «шимолда бундай» дейишимиз керак? Ахир бизнинг ўз йўлимиз бор-ку, давлат тўзилишининг ўзбекона модели ишлаб чиқилгани ва у самарали эканлигини барча тан олганлигини ҳам инобатга олиш керак-ку, ахир.

Шунинг учун, прокуратура ҳокимиятнинг қайси тизимидаги қирғиш керак, деб торттишув қилгандан кўра, унинг фаолияти натижаларига қараб баҳо берилса, одиллона бўлар эди. Унинг фаолияти янада самарали бўлиши учун эса ҳар бир прокуратура ходими бутун вужуди билан ишлаши ва жонбозлик қилиши керак ва шарт.

Назарий мусоҳабаларга қайтадиган бўлсак, мен «Прокуратура Президентлик ҳокимиятининг институтларидан бири» деб билдирилган фикрларга қўшиламан ва буни қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйиш керак, деб ўйлайман.

Кўпчилики қизиқтираётган яна бир масала — судларнинг устидан прокурор назорати бўлиши керакми, йўқми? Бу, умуман хато тушунча, чунки судлар устидан прокурор назорати ҳеч қачон бўлган эмас. Судда жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ишларини кўрилишида прокурор ваколати таъминланади, ҳолос. Қонунда шундай кўрсатилган. Суд қарори юзасидан шикоят беришда эса прокурор назорат босқичига ҳимоячи билан тенг ҳуқуққа эга, назорат босқичида ҳам барибир охириги сўзни суд айтади. Прокуратура томонидан суднинг қўллаб-халотларини тузатиш учун таъсир ҳужжатлари киритилаётган экан, бу ерда ҳеч қандай назорат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бу ҳужжатнинг номини ҳар хил атаган билан мазмун ўзгармайдми. Умуман олганда, прокуратура керакли идора, бунини мен прокуратура ходими бўлганим учунгина айтаятганим йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, барча прокуратура ходимларини, газет-хонларни яқинлашиб келаятган мустақилликнинг 9 йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Суҳбатдош: А.МУСТАҒОҚУЛОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

— Эшмамат Бердимуратович, суҳбатимизни мустақиллик йилларида Сирдарё вилоят прокуратураси фаолиятида юз берган ўзгаришлар ҳусусида бошласангиз.

— Аввало, мустақиллик эркин нафас олиш имкониятини берганлигини таъкидлаш керак. Қарамлик йилларда марказдан топшириқ юборилар, биз маҳаллий менталитет, урф-одатлар, анъанавий шароит ҳисобга олинмасдан Москвада қабул қилинган қонунларнинг ижросини назорат қилишга мажбур эдик. Буюк бобомиз Темур тузган давлат тизими, қонунлари бутун Европада ўргатилаётганида ҳам бизга бу тўғрисида бир оғиз айтилмаганини ачиниш ва алам билан эслаймиз.

Шуқрлар бўлсинки, буларнинг ҳаммаси орқанда қолди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мустақиллик ҳуқуқдемақдир» деган сўзларида олам-олам маъно бор. Утган даврда қадриятларимиз тикланди, миллий давлатчилигимиз, ҳуқуқ тизимимиз яратилди. Прокуратура ҳокимият тизимида ўз ўрнига эга бўлди. Унинг фаолиятига ҳар қандай аралашув таъқиқланди. Энг муҳими, эндиликда прокуратура партия, давлатнинг қўлидаги қурол эмас, фақат қонунга амал қилган ҳолда иш қўриб, асосий эътиборни бош масала — фуқароларнинг конституций ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратмоқда. Долзарб вазифалар жойларда қонунчиликнинг аҳолидан келиб чиқиб белгиланаётди.

Прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришдаги роли кучайди. Умуман олганда, мустақиллик берган нэматларнинг барчасини санашга кўп вақт кетади.

— **Эркинлаштириш деганда нима тушунади ва бу сизларнинг фаолиятларингизда қандай ақс этмоқда?**

— Эркинлаштириш — давр талаби. Бу ҳам мустақиллик маҳсули ва ушбу иборанинг маъноси кенг.

Биз кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, давлатнинг, жамиятнинг турли бўғинларидаги ҳар бир хатти-ҳаракатни бошқариш, чегаралаб туриш фаолиятини қисқартиришга эришмоғимиз, асосий ҳуқуқнинг ўзини бошқариш идораларига, маҳаллий ҳокимиятга берилишини таъминламоғимиз, давлат эса бош ислохотчи бўлиши кераклиги тўғрисидаги қоидада риоя этмоғимиз лозим.

Ҳозирда иқтисодий тизимда ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Чунки, мулк шакли ўзгарди, энди мулкдорга ишонш, унга эркинлик берилиши, шу билан бирга қўллаб-қувватланиши, қонунлар билан

ҳимоя қилиниши керак. Лекин, ўтмиш сарқитларидан ҳалос бўлиш осонлик билан кечаётгани йўқ. Ҳамон буйруқбозлик, маъмуриятчилик учраб турибди. Айрим раҳбарлар учун мақсад битта — қандай қилиб бўлимасин, деҳқонни ўз ҳуқуқида ушлаб қолиш. Уни бошқариш, унга кўрсатма бериб туриши керак: Масалан, Шароф Рашидов туманидаги «Пахтабод» жамоа ҳўжалиги тугатилиб, ўрнида 87 та фермер ҳўжалиги ташкил топган. Қонун бўйича улар эркин, мустақил фаолият юритиши керак. Қолаверса, туман фермер ҳўжаликлари уюшмаси бор. Лекин, ҳўжаликни иқтисодий ночорликка олиб келган раҳбарлар амалидан ажралиб қолишнинг хоҳламасдан 87 та фермерга раҳбарлик қиладиган 6 кишидан иборат яна бир уюшма тузишди. Шундай ҳолатга Мирзаобод туманидаги Турғун Аҳмедов, Сайхунбод туманидаги Ш.Раҳимов ҳўжалиги ўрнида ташкил этилган фермер ҳўжаликлари ҳам дуч келган. Ушбу қонунсиз фаолиятга прокуратуранинг аралашуви билан чек қўйилди.

Ёки илгарилари фермер ҳўжалиги, оила пудрати асосида ишлаётган деҳқонлардан шартномадан ошқича тайёрланган маҳсулот ҳам «туман, вилоят давлат буюртмасини бажариш керак», деган асос билан олиб қўйилар, яхши-ёмон ишлаганга муносабат бир хил, деҳқон кўп маҳсулот етиштиришдан манфаатдор эмасди. Бунга прокуратура ўз муносабатини билдирди. Бу йил вилоят ҳокими йил бошида, шартномада кўрсатилганидан ошқича тайёрланган маҳсулот фермер ва пудратчида эркин нархларда иқтиёрий сотиш учун қолдирилди.

Кейинги вақтда ҳуқуқимизнинг томонидан ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётди. Имтиёзли кредит миқдорларининг оширилганлиги, тадбиркорлар йўлига ғов бўлаётган тўсиқларга қарши курашнинг фаоллашганлиги, ишбилармонларга молиявий, ҳуқуқий кўмак берилаётганлиги ҳам давлатимизнинг бу борада изчил сиёсат юритаётганлигининг исботидир.

Лекин шунга қарамастан, баъзи бир тадбиркорларнинг ишга бўлган масъулиятсизликлари тўғрйли айрим корхоналар иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолмоқда. 2000 йилнинг биринчи чорагида Сирдарё вилоятида 9 та корхона банкрот деб эълон қилинган ва шундан 5 таси давлат ресурсларидан чиқарилган.

Иқтисодий ночор аҳволга тушиб

қолган корхоналарнинг банкротлик сабаблари ўрганилганда, ақсарият ҳолатда раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва шахсий бойлик орттиришга оид жиноий хатти-ҳаракатлар билан сабаб бўлганлигига ғувох бўламиз.

Гулистон консерва заводи ҳисадорлик жамияти ҳам банкрот деб эълон қилинди. Заводнинг собиқ раҳбари Сайфуддин Маннонов 1994

ТАДБИРКОРГА ҲАМ ҚОНУН БОР

КАСОДГА

йилдан буён корхона маҳсулотларини тўлов амалга оширилмасдан турли корхона - ташкилотларга сотиб юборган. Дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундириш чораларини эса қўрмаган. Оқибатда корхона банкротлик ҳолатига тушиб қолган. Бу қўлмишлари учун Сайфуддин Маннонов жиноий жавобгарликка тортилди.

Ёки Мирзаобод туманидаги «Прометей» кичик корхонасининг фаолиятига бир назар ташлайлик. Корхона раҳбари П.Шоимов 1996 йил 13 мартдаги 1-рақамли шарт-

МЕХНАТИДАН ҲУРМАТ ТОПГАНЛАР

СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ, ПРОКУРОР

— Барака топ, прокурор болам, барака топ. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин. Сенинг аралашувинг туфайли нафақамизни ўз вақтида оладиган бўлидик.

Комилжон бундай миннатдорчилик сўзларини кўп эшитади. У бугун ҳам одатдагидек идорада бирров кўришиб, вазиятни билди. Сўнгра шаҳардаги маҳалла, корхона, ўқув юрталарига жўнаб кетди.

Очиғи Комилжон Ширин шаҳрига прокурор сифатида келган дастлабки кунларда юраги анча орқага тортиб кетди. Деярли ҳар кун қонунбузарлик, уюшган жиноятлар. Шаҳар ҳам анча абгор ҳолга тушиб қолган. Айрим раҳбарлар «бу ер бизга тўғри келмайди, кетишимизга тўғри келади», қабилида иш юритиб, дарахтни кесган-у, ўрнига эмаган.

— Сезиб турибман, дастлабки таассуротларингиз яхши эмас. Лекин ширинликларни бағри кенг, ниҳоятда яхши халқ, дейишди. Агар Сиз-у биз ҳамкорликда, баҳамжиҳат ишласак, халқ бизга эргашади.

Худо хоҳласа, ҳали кўрасиз, Ширин энг обод ва озода шаҳарлардан бирига айланади.

Шаҳар ҳокими бўлиб ишга келганига эндигина бир йилдан сал ошган Исрои́л Эрбеховнинг ишонч билан айтган ана шу сўзлари Комилжоннинг руҳини кўтарди, енг шимариб ишлашга учтади.

Комилжон билан учрашиб, шаҳардаги ҳуқуқ-тартибот ҳақида гап очсангиз, ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот, идора, ўқув масканидаги аҳолини ипидан игнасизга тушунтиради. Одамларни беш кўлда билади. У ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари билан биргаликда жиноятчиликка, ғиёвандликка, порахўрликка қарши кураш ва уларни тағ-томири билан йўқотишга алоҳида эътибор берди.

Бир жиноятчи гуруҳ Шириндаги хонадонлардан электр ҳисоблагич ускуналари уғирлаб, Бекобод шаҳрига олиб бориб пуллаб юрган. Яна бир уюшган жиноятчилар эса одамларнинг пуллари ва қимматбаҳо нарсаларини кўрқитиш ва фирибгарлик йўли билан кўлга киритиб келган. Ҳар икки уюшган жиноий гуруҳ кўлга олинди. Бу далиллар шунчаки айтишга осон. Ваҳоланки, таъкидланган натижаларга эришиб замирида қанчадан қанча уйқусиз тунлар, машаққатли меҳнатлар ётади.

Прокурор фаолиятиндан яна бир лавҳа. Ширин маиший касб-ҳунар коллежи жамоаси Комилжонни педагогика кенгашига таклиф қилди. Кенгашида Аня Пискунова деган талаба интизомсизлиги, дарсларда қатнашмаганлиги учун ўқув юртидан четлаштирилмаган бўлди. Прокурор бундай чора кўрмасликини сўради. Унинг гапи инobatга олинди. Қиз талабалар сафида қолди. Унинг тарбияси билан прокурорнинг ўзи шугулланди. Қизнинг ҳуқ-атворида ўзгариш ўз берди. Прокурорнинг аччиқ-чучук сўзлари, насихатлари қор қилди шекилли, энди Аня Пискунова аълочи талабалар сафидан ўрин олди.

У қўлидан келганга ҳаммага ёрдам қилади. В.Шоуленко деган фуқаро Сирдарё ГРЭСи ташкил этилгандан шу ерда ишлаб пенсияга чиққан. Лекин айрим «тура»ларнинг айби билан у имтиёзли пенсияга чиқа олмаган. Прокурорнинг аралашуви билан В.Шоуленко имтиёзли пенсия оладиган бўлди.

— Шуну унутмаслик керакки, ҳеч ким қотиллик ва бошқа жиноятлар мутлақо бўлмайди, деб ваъда беролмайди. Ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг бурчи ҳам аслида жиноятнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслиқдир, — дейди Комилжон Одилов.

Прокурор ҳақ. Эртдан бошлаб қотиллик ва бошқа жиноятлар барҳам топади, дейиш қийин. Лекин вақти-соати келиб шундай кунлар келишига шубҳа йўқ. Комилжон Ширинда прокурор сифатида иш бошлаган дастлабки кунларда шаҳар ҳокими «Ширин энг тинч, обод ва озода шаҳарлардан бирига айланади», деган эди. Мана, худди шундай бўлаётпи.

Хасан ЗИКРИЛЛАЕВ,
Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ

УЧРАГАНЛАР

номага асосан 1996 йил 17 майда Сирдарё вилояти Бизнес фонди-дан 15 фоз устамаси билан 200000 сўмлик кредит олган. Корхона ки-рим-чиқим ҳисоботларида қайд этилмаган бу маблағ исзис гойиб бўлган. Корхона раҳбари эса 310 минг сўмлик маблағни ноқонуний равишда ўзлаштирган. Кредитни олишга олган «бойвачча» уни қай-таришни ўйламаган ҳам. «Проме-тей» кичик корхонаси 2000 йил 30 март кунини банкрот деб эълон қил-ган. Унинг раҳбари П.Шоимовга нис-батан ЖКнинг 167-моддаси 3-қис-

ми «в» банди билан жиноий иш кўзгатилади.

Ҳақиқий ишбилармон тадбир-корлар қўллаб-қувватланиб, улар-нинг фаолиятига кенг ўрин бери-лаётган ҳозирги даврда, айрим «учар» ишбилармонлар «парвози-» га шундай нукта қўйилмоқда. «Кал-такнинг икки учи бор», деганлари балки шундай ҳолларга ишоради-р.

Бахтиёр ЖОНИКУЛОВ,
Сирдарё вилояти
прокурорининг катта ёрдамчиси

(Бошлангичи 1-бетга).

ташвиқот-тартибот қилиш ўрнат-олинса арзигулик даражада йўлга қўйилган.

Сирдарё вилоят прокуратураси-нинг ташвиқот ишлари ҳақида гап кетганда кўпинча «кенг қамровли» деган ибора ишлатилади. Аслида ҳам шундай. 1999 йил давомида қарийб 3,5 мингта ташвиқот-тарг-ибот тадбирлари ўтказилган. Мак-табларда прокурор маърузалари мунтазам йўлга қўйилган. «Камол-лот», «Маҳалла», «Нуроний» жам-ғармалари ва бошқа жамоат ташки-лотлари билан ташвиқот борасида мунтазам алоқалар ўрнатилган. Ви-лоятдаги мавжуд 285 та маҳаллага прокуратура ҳодимлари бирикти-рилган бўлиб, улар ҳар ойда бир марта маҳалла аҳли билан учрашув ташкил қиладилар. Ҳисобот рақам-ларидан бироз четлашайлик-да, бу ишлар ўз самарасини бермоқдаки, деган саволга жавоб излаш. Ай-тиш мумкинки, албатта муайян натижаларга эришилмоқда.

Биринчидан, прокуратура ҳо-дим-ларининг бевосита халқ орасида

ишлашига, улар билан жонли алоқа йўлга қўйилишига эришилган.

Маълум маънода фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси кўта-рилишига муваффақ бўлинган. Бун-и, масалан, «Адолат кўзгуси» газе-та-сида ташкил этилган «Ҳуқуқий са-водхонлик» саҳифасидаги мурожа-атлар савияси кўтарилганлигидан ҳам билишимиз мумкин.

Ва, ниҳоят, учинчидан, ёшлар-нинг диний - экстремизм гоялари-га, жиноятчилик ва қонунбузарлик-ларга тортилиб кетишининг олди олинишига эришилган. Ҳуллас, таш-виқот ва тарғибот соҳасидаги иш-лардан прокуратура ҳодимларининг кўнгли тўқ.

ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН Б УЛИБ...

Прокурор хонасига келадиган ҳам, келмайдиган ҳам кўп.

Сирдарё тумани «Шоликор» шир-катлар уюшмаси раҳбарияти қонун-чиликни менсимай, 78,18 гектар ерни «Шоликор» фермер ҳўжали-гага ажратишдан бўйин товлаб кел-ди. Фермер ҳўжалиги раиси А.Ниг-матовнинг 7 март кунини туман проку-рорига берган аризасига биноан «Шоликор» ширкат уюшмасига ам-ро-нома киритилган. Лекин уюшма ра-ҳбарияти 12 апрелга қадар ҳам масалани ҳал қилиб бермади. Қи-зик, бир ой мuddат атиги 70 гектар ерни ўлчаб бериш учун наҳотки қамлик қилса? Фақатгина вилоят прокурорининг аралашуви билан-гина масала ибобий ечим топди.

Бундай мисолларни қўллаб кел-тириш мумкин. Келинг, кейинги 5 йил давомида тушган ариза ва ши-коятларнинг таҳлили билан тани-шайлик. Прокуратура идораларига 1995 йилда 1000 тадан оширқор ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлса, 1999 йилга келиб уларнинг сони 1700 дан ошган. 1995 йилда уларнинг 700 тадан оширқорги ҳал қилинган бўлса, 1999 йилда 1000 тадан оширқор ариза ҳал қилинган.

2000 йилнинг 1 чорағига оид ариза ва шикоятлар таҳлилига на-зар солсак, келаятган ариза ва ши-коятларнинг мазмунинда шу кунинг ташвишлари, муаммолари акс эт-ганлигини кўриш мумкин. Мана, сиз ҳам эътибор беринг. 531 ариза ва шикоятларнинг 86 таси фуқаролар-ни ўз иш жойларидан иш ҳақлари ёки нафақаларини ололмаётганлик-лари ҳақида. Демак, жойларда меҳ-натқилинган иш ҳақини вақтида тўлашдек энг биринчи вазифани менсимайдиганлар ҳали ҳам мав-жуд.

ЖИНОЯТ КҮЧАСИДА...

1999 йил август ойининг 10 кун-и. Абдуғаффор Холикулов ўзининг жиноий шериги Сергей Грачев би-

МУСТАҚИЛЛИК ВА ПРОКУРАТУРА

лан тадбиркор Гулчеҳра Султонова-дан 100 минг сўм қарз беришини сўрашди. Уларга рад жавоби бери-лади.

1999 йил 16 август кунини соат 10-11 лар ўртасида улар яна Г. Султо-нованинг уйида пайдо бўлишди. Хо-надон эшиги очик турганидан фой-даланиб, улар ичкарига кириб олиш-ди. Уйда етмиш ёшлардаги Нисолат Султоновадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Абдуғаффор шартта кекса она-нинг сочларидан тортиб бўйнига пичоқ тиради:

— Пулқаерда, тақинчоқлар қани?
— Ўғлим, менга теғма, ҳаммаси-ни ол, — деган илтижого қарамай онаизорни ерга ётқизишди. Абду-ғаффор Сергейга телевизорнинг овозини кўтаришни буюрди. Сўнг онанинг бўйнига тираб турган пичо-қ билан уни бўғизлади.

Улар шу кунини 3600 доллар, 1 миллион сўмлик тақинчоқ ва 56 минг сўм нақд пул, уч дона «Коника» фо-тоаппаратини олишди-да, воқеа жойидан гойиб бўлишди.

Абдуғаффор Холикулов Жиноят Кодексининг 164-моддаси тўртин-

ҳисобига 4930574 сўмлик омухта ем чиқим қилинган. Ҳуллас, жино-ятчилар жами 31 миллион сўмлик мол-мулкни талон-тарож қилишиб, ўз «меҳнатлари»нинг рохатини энди кўраман деганларида...

Жиноятчиларнинг йўлбошчилари А.Қодиров 17 йил, Ж.Назаров 12 йил, А.Мухаммадиев 10 йил мuddатга озодлиқдан маҳрум этилиб мол-мулки мусодара қилинди. Жи-ноятчиларнинг қолганлари ҳам Жи-ноят Кодексининг қатор моддалари билан айбдор деб топилиб турли мuddатларга озодлиқдан маҳрум этиш билан жазоландилар.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Халқимизда ҳисобли дўст айрил-мас деган, мақол бор. Бақти-вақти билан қилган ишларимизнинг ҳисо-бини чиқариб, эл билан маслаҳат-лашиб туриш фойдадан ҳоли эмас.

Прокуратура идоралари фаоли-ятининг муайян мuddатга оид яку-нларини қайтариб экан, жиноятчилик аҳолининг натижалари ҳар доим бош ўрнини тутди. Одатда журна-

чи қисми «а», «в» банди, 97-модда-си иккинчи қисми қатор бандлари билан айбдор деб топилдиб, унга ўлим жазоси тайинланди. Унинг жиноий шеригига нисбатан қиди-рув эълон қилинган.

Энди, иккинчи бир жиноят иши билан танишинг.

«Оқолтиндон» ҳиссасдорлик жа-миятида ин қурган жиноий гуруҳ ўта «ишбилармон» чиқиб қолди.

Раис ўринбосари Абдуқаюм Қо-диров, «Оқолтиндон» корхонасида раис вазифасини бажарувчи ва бош муҳандис лавозимига ишлаган Ка-рим Сатторов, ҳуқуқшунос ва тад-биркор Абдулҳаким Мухаммадиев, бош ҳисобчи Эргаш Қодиров ва бошқалардан иборат 17 кишилик жиноий гуруҳ катта миқдорда дав-лат мулкни талон-тарож қилган.

Дастлаб 1996 йил 28 ноябрда аллақачон туғатилган «Истиқлол» кичик корхонаси раҳбари М.Худой-бердиев уларнинг жиноий ишлари-га шерик бўлиб қўшилди. Хусусий корхона номидан олинмаган омухта ем учун ишонч қоғози бериш ва юк хатларини расмийлаштириш учун унга 10 фоз улуш ваъда қилинди. Бу кичик корхона номига 130 тонна омухта ем берилди, деб расмий-лаштирилди. Шунинг ўзи билан че-гараланмасдан, яна 16 дона электр двигателъ ҳам корхонага чиқим қилиб қўйилди. Жиноятчиларнинг иштаҳаси очилгандан очилди. Зо-мин ўрмон ҳўжалиги бош ҳисобчиси Бахтиёр Раҳмонов ёрдами билан ушбу ҳўжаликка 170 тонна омухта ем расмийлаштириб қўйилди. Нафс дегани ҳалакат отаверса қийин экан. «Коржов» деҳқон-фермер ҳўжалиги

лислар жамоатчилик, мансабдор шахслар ҳам шу масалалга кўпроқ қизиқишади. Бунини тушунган Сир-дарё вилоят прокуратураси хайрли тадбирини йўлга қўйган. Ҳар ойнинг охириг жума кунини вилоят проку-ратурасида қилинаётган ишлар яку-нига бағишланиб матбуот конфе-ренцияси ўтказилади. Яқинда бўлиб ўтган шундай матбуот конферен-циясида жиноятчилик айрим турлари-нинг бир неча йиллар мобайнидаги аҳоли муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, кейинги беш йил даво-мида жиноятчиликнинг умумий да-ражаси ошмаганига қузатилган. Кейинги беш йил мобайнида аҳоли сонининг ўсиши ва айни пайтда аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, жи-ноятчилик даражасининг аҳоли жон бошига нисбатан ўсмаганигини қайд этамиз.

Гулистоннинг оқшони ўзгача. Шаҳар марказидаги қўрқам хибон-лар, ранг-баранг чироқлар, биллур фавворалар, равон кўчалар оқшом чўкмадан фусункор бўлиб кетади. Беихтиёр атрофдаги кишилар че-ҳрасига назар ташлайсан киши. Улар-нинг чеҳраларидаги бахтиёрлик, мамнунийлик нишоналарини қўриб кўнглинг тоғдек қўтарилари. Кўнглингнинг бир чеккасидаги са-волга жавоб топиб қўясан: «бунчи-лик, барқарорлик туйғули!»

Тинчлик, барқарорлик эса ўз-ўзи-дан вужудга келавермайди. Неча-неча уйқусиз тунлар, захматли из-ланишлар меваси бу.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ,
«Хуқуқ» мухбири



Сўнги йилларда ҳуқуқ-тартибот идораларининг матбуотга булган му-носабатида кескин ўзгаришлар содир бўлаётганлигининг гувоҳимиз. Жумладан, бугунги кунда ҳар бир вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўз ҳуқуқий наشريларга эга эканлиги узаро алоқалар нечоғли самара бераётганлигининг амадағи исботидир.

Сирдарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларининг наشري булган «Адо-лат кўзгуси» газетасини Республикаимизнинг турли вилоятларида ҳам севиб мутлолаб қилишади.

Суратда: «Адолат кўзгуси» газетаси бош муҳаррири уринбосари Бах-тиёр Утанов Янгтер шаҳар прокурорини Мухтор Бобоев билан навбатдаги мавзу ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ф.Тошматов олган сурат.

ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

Бу кишлоқда хали ҳеч ким бировнинг жонига қасд қилмагани, одам одамни ўлдирмагани. Ҳаммаси бир кечада бўлди. Бир оқшомда икки одам жон берди, икки киши қотилга айланди. Кишлоқ одамлари шу пайтга қадар бунақа воқеа ҳусусида эшитгандилару, бундай фожеага гувоҳ бўлишмагани...

Қудрат кечадан буён ўзига келолмасди. Ўз ўртоғининг оғзидан эшитган гаплар уни азоблар ўтида ёқарди: «Наҳотки, укам шунчалик ландовур бўлса? Наҳотки, маъсумагина келиним шундай жирканч иш билан шуғулланса?

Йўқ, Ботир мастликда алжираради. Сўзларим ёлгон бўлса, мана, пичок, ҳозироқ қаламни кесиб ташла, деди. Қасам ичди. Фақат, сенлар беҳабарсан, кишлоқда ҳамманинг оғзида шу гап, деди. Рост, кишлоқда шунча гап - сўз экану, наҳот эшитмайман, ё қулоқларим қар бўлиб қолдим? Буни аниқлаш керак. Йўқ, бундай шармандаликни кўтаролмайман. Ё ўзим ўламан, ё уларни ўлдирман!

— Ака, тинчликми, қаллаи сахарлаб қақир-тирибсиз?

— Менга қара, эркаксимиз? Ё эркаклик қилишга қурбинг етмай қолдимми? Нега, хотининг бировларнинг кучоғига солиб қўйибсан?

Қудрат ётган жойидан сапчиб тураркан, шу гапларни айта туриб, укасининг ёқасидан олди.

Соат акасининг дабдурустан айтган бу сўзларидан вужуди музга айланиб, турган жойида тош қотди.

— Менга, қара, мендан ҳозир эшитганларинг ҳаммаси бор гап! Бу ишларга, уругимизни шарманда қилишга бугун чек қўйишимиз керак!

Қудратнинг эшитганларига қараганда, электр тармоқларида ишловчи укаси 10-15 кунлаб вилоятнинг узоқ туманларида хизмат сафарига юрган вақтларида кишлоқдаги

баъзи суюқоқ эркаклар укасининг уйида тонг оттирармиш. Улардан бири Фармон ҳисобчи экан. У нафақат укаси сафарда юрган вақтда, балки укаси уйида бўлган пайтларда ҳам уникига меҳмон бўлиб борар, табиатан нимжон укаси ароқ таъсирида уйкуга кетгач, қўшни хонага кириб келини билан айш-ишрат қилармиш...

Соат акасининг сўзларини озгин-озгин муштарини ерга «дўқ-дўқ» уриб тинглади.

— Ўлдирман, уйига ўт қўяман уларни.

Уканинг гапи оғзида қолди:

ЗИНО ВА ЖАЗО

— Ўзингни бос! Олдин бунга исботлаш, ҳаромиларни қўлга тушириш керак, — деди Қудрат.

Кейин ака Соатга буюрди:

— Ҳеч нима билмагандек, юравер. Кечкурун Фармонни меҳмондорчиликка уйингга қақирасан. Қолганини ўша ерда ҳал қиламиз! Соат уйига қайтишда Фармон ҳисобчиникига кириб ўтди. Ҳисобчи қўзига балодай

қўриниб турган бўлса-да, сир бой бермади. «Кеча командировкадан келгандим. Иш билан бўлиб, акамдан ҳам хабар олмай қўйгандим. Ҳозир чоғга айтиб келаяпман. Кечкурун сиз ҳам ўтинг, бир ўтирамиз. Акам ҳам тайинлади, албатта бораркансиз».

Фармон Соатнинг гапларидан шубҳа излашни ўйлаб ҳам ўтирмади. Чунки, ўрганиб қолган, кишлоқда бирон-бир нуфузли меҳмон

келса, суҳбатга Фармон қақирилади...

Фармон одатдагидай «қуруқ қўл билан боргунча», деб битта узун бўйинли ароқни қозғога ўраб, қўлини қистирди. Соат уни илқ қаршилаб, тўғри меҳмонхонага бошлади. Қудрат келгунча у ёқ бу ёқдан гаплашиб, бир-икки пиёла чой ичишди. Қудрат келиб ўтириш билан, ош келтирилди. Биринчи, сўнгра иккинчи шаша бўшайди. Меҳмонхона ситгаёт тўтунга тўлди. Соат кайфи ошиб қолгандек, мудрай бошлади.

— Фармонбой, энди турамыз, узр ука. Шу Соатбой ҳеч ароқни кўтаролмайди-да.

Меҳмонлар юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан кўзгаллиди. Соатнинг ўрнига унинг хотини меҳмонларни кузатиб қўйди.

Фармон дарвозаси олдида, Қудрат билан хайрлашди. Қудрат эса уйига етмай, ортига қайтди. «Бориши керак, шу суюқоқ Фармон бўлса, бориши аниқ». Қудрат укасининг уйига туташ боғзорга кириб, қулайроқ ўрнашиб олди-да, дарвоза томон нигоҳини қадади. Ҳа, у адашмаганди. Чорак соатча вақт ўтиб, дарвоза олдида бир шарпа пайдо бўлиб, секин эшик қокди. Дарвоза очилиши билан ўзини ичкарига урди.

Орадан ўн беш дақиқача вақт ўтиб, дарвоза тагин сассиз очилди. Бу — Соат эди. Қудрат укасининг ёнига шовилди. Улар меҳмонхона эшигига яқинлашганларида ичкаридан шахват қўларининг овозлари эшитиларди.

Эшикнинг шитоб билан очилишидан аёл чинқириб юборди. Чироқ ёниб, қўларига пичок тутган ака-укани қўрган эркак ва аёлнинг юзлари қордай қариб кетган эди...

...Ҳали тонг отиб улгурмаган эди. Соат-бойнинг ҳовлисида эса бир тўп одам йиғилганди...

Д. ХАЙТОВ

ОҒРИҚ

— Қўйиб юборинглр, мен касал эмасман. Нима ҳақларинг бор? Уйда норасида гўдагим қолди.

— Қўйиб юбормасаларинг ўзимни бир ёқлик қиламан, товонимга қоласизлар.

Бу манзарара биз вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида гувоҳ бўлдик. Касби туманидан келтирилган 20-30 ёш оралиғидаги 4-5 та жувон жағи-жағига тегмай, гоҳ милиция ходимларини, гоҳ дўхтирларни қарғар, шовкин-сурон кўтарарди.

Касби тумани ИИБ мавзе вакили Раҳмат Мирзақулдовдан шовкин-суроннинг сабабини сўрадик.

— Уларни 2-митти туманда яшовчи бир аёлнинг уйидан топдик.

Бири Тошкентдан, бири водийдан, бири Самарқанддан. Таносил касали билан оғриганликда гумон қилиб, уларни келтирдим. Касби-миз шу. Қарғиш ҳам эшитамиз, олқиш ҳам. Ахир булар мабодо касал бўлса, қанча кишиларга юктириши мумкин.

Милиция ходими кетди. Жазавога тушган аёлларни шифокорлар даволаш бўлимига олиб кетишди. Диспансер ИИБ милиция ходимига қанчалик эҳтиёж сезишини гоҳ қочинишга уринаётган, гоҳ урмоқ учун шайланаётган бу аёлларнинг ўзини туттишини кузатиб амин бўлдик.

Даволаш бўлимидаги таносил касалликлари билан оғриган аёлларни саволга тутдик. Ҳўш, улар қай ҳолатда шу қўйга тушдилар, энди нима қилмоқчилар?

— Мени Зулфи, деб қақирарди. 36 га кирдим. Турмушдан ёлчимаганим учун шу йўлга кириб қолдим. Ишим яхши эди. Салонда ишлардим. 10 йил ишладим. Бир-иккита-си билан дугона бўлиб, бузуқ йўлга кириб кетдим. Нимаям қилардим. Бу учинчи марта даволанишим. Энди йиғиштириман. Одамлар бир ош ишлаб топадиган пулни бир кечада топганим учун бу йўлдан қайтишим қийин эди.

— Кумушхонман. Андижондан. Холанникига меҳмонга келганман. 3 йил бўлди. Ҳали кетолганим йўқ. Бу орада турмушга ҳам чиқиб ажрашдим. Болам йўқ. 35 ёшдаман. Ота-онам кишлоқда яшайди. Йўқ, ўзим бориб тураман. Улар мени рўзғорли, уйли-хойли, деб ўйлашади. Адресимни бермайман. Эртанги кун ҳақида ўйлашни ҳам истамайман. Ўйлашдан қўрқаман.

— Исим Венера. Пирашка қилиб



ТУНГА «КАПАЛАК»ЛАР

агностикага борган. Заҳм касали билан оғриганлиги аниқлангач, аёл шунчалик хафа бўлдики... Ҳам

сотаман. Пул тўпласам, Тюменга кетаман. Ўғлим катта бўлиб қолган.

— Касаллангансиз. Кўчаларда егулик сотиб юриб одамларга бу касалингизни юктириш хавфи борлигини нега ўйламайсиз?

— Билмайман. Менга юктиришди. Исмими, адресини нотўғри айтган. Топсам... Энди ака-укаларимни олдида кетмоқчиман. Калтабинлик туфайли шу қўйга тушиб қолганман.

— Шаҳарга ўқийман, деб келган-ди. Ҳали ҳужжатларимни топширмасдан қолдим. Ўйдагилар билан қасда уришди, деб айтмадим. Беш йил бўлди, ўқияпман, деб юрибман.

хиёнат, ҳам касалланганим. Фарзанд кутаётган аёлга шунча зарба. Боз устига бола ҳам туғма заҳм касали билан туғилиши мумкин, — дейди диспансер бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Фармон Жалилов.

Ўйламай зино йўлига қадам босган гўлдек оила беклари бўлган, даволанаётган эркакларни ҳам саволга тутдик.

— Фамилиямни ёзмайсизми? Кичик бизнес билан шуғулланаман. Ипподромга қатнайман. Биттасиникига бозор бошлангунча бориб ётардим. Уни касалигини қайдан би-

либман. Кўнгилхушлик деб, шунчага тушиб ётибман. Болаларим катта-катта. Билса менинг бетимга ту-пуришлари тайин...

30 ёшга тўлмай ўтинга айланган бу аёлларни нима, деб аташни билмай қолади киши. Аёл дейин десангиз, аёлларимизга хос назокат, латофат, ҳаё уларни аллақачон тарқатган. Ажаб, шу сийрату-суврат билан чўнтаги қаппаларнинг кўзига қандай қилиб «олевдек» қўйнаркан?

— У билан балницада танишган-дим. Оилмадан ажрашганман. У ҳам ажрашган экан. Қўзимга оловдек қўринди. Касал юктирганимни билмай қолдим.

Туманларимиздан бирди яшаётган бу йигит саёқ юрса, таёқ ёб қолиши мумкинлигини англаб етган. Бошқалар-чи? Бу иллатнинг илдизига болта уриб бўларканми?

Бу саволимизга вилоят тери-таносил касалликлари диспансерининг бош шифокори Раҳматдин Абдурахмонов шундай деди:

— Бу масканда икки тур-тери ҳамда таносил касалликлари бўлишча даволашмиз.

Таносил касаллиги билан оғриганларни зараркунадалар, десак хато қилмаймиз. Уларнинг ўз ихтиёри билан келганлари деярли учрамайди. Ушбу касаллик ўтган йилги шу даврга нисбатан кам қайд қилинган бўлса-да, бундан хурсанд бўлиш керак эмас. Бу биз билан ҳамкорликда ишлаши лозим бўлган ташкилотлар, икки ишлар бўлими ходимлари бепарволик қилапти, деган гап. Яна шунга ҳам таъкидлаш керакки, баъзи шифокорлар ҳам ўз касамига, оқ халатига доғ тушириб пул учун таносил касаллигини яширишча даволашмоқда. Бирок улардан бемор тўлиқ даво топпайди, энг ёмон касаллик манбаи аниқланмасдан қолиб кетади.

Диспансерда даволанаётган «тун малика»ларнинг дийдодисини бу иллатнинг асосий сабаблари, деб бўлмайди. Зино бизнинг элимизга, юртимизга сира-сира мос келмайди. Бундай ҳолларга қеч қўйиш учун бу борадаги қонуларни янада қучайтирмоқ ва ҳамкорликда курашмоқ лозим бўлади.

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
журналист

ХУЛОСА ЎРНИДА

ЗУЛМ ЙЎЛИ

Муайян жамият аъзоси шу жамиятга хос бўлган ютуқларнинг ҳам, иллатларнинг ҳам таъсирида бўлишга мажбур. Чунки, инсон жамиятдан ҳоли, алоҳида яшай олмайди. Ўз навобатда жамият ҳам инсоннинг таъсирида бўлади. Бу энди алоҳида баҳс мавзуси. Айтмоқчи бўлганимиз эса, инсоннинг жамиятга таъсири мавжуд экан, жамиятга қандай - ижобий ёки аксинча таъсир ўтказса олиши инсоннинг маънавий қиёфасига ҳам боғлиқ. Демак, жамиятнинг ахлоқий қиёфасига унда яшаётган муайян инсон ахлоқининг ҳам таъсири катта бўлади. Бунга битта «тунги капалак» ёки зинокор эркакнинг жамият маънавиятига етказиб-етган зарари мисолида ҳам қўриш мумкин.

Зинокорга «зино — гуноҳ, бу йўлдан қайт», дейишнинг ўзи қанчалик бефойда бўлса зинокорлик кўчасига ҳам бўйламайдиганларга бу гапни айтиш шунчалик аҳмоқона иш бўлар эди. Шу жиҳатни ҳисобга олиб, насихат қилишдан тийилган ҳолда бор-йўғи, зино нима, инсон нима учун бу йўлга қиради каби масалалар ҳусусида бироз тўхталмоқчи бўлдик.

Ҳўш, инсонни бу йўлга қиришга нима мажбур этади? Моддий эҳтиёж, тийиқсизликми ёки инсон ҳеч қачон таъсиридан қутула олмайди-ган ўзидаги табиий инстинктларми?

Шу йўлни ўзининг тирикчилик манбаига айлантириб олган «тунги капалаклар» учун моддий эҳтиёж бир баҳона, холос. Ҳўп, уларни айбдор дейлик, унда уларнинг тузогига ихтиёрли равишда тушадиган ёки бу ифлос йўлни ўзига эч қўрмаганларини-да тузогига илтиридагилар қимлар? Балки инсондаги инстинкт сабабчидир? Унда инсоннинг ҳайвондан фарқи нимада? Ўзи инсоннинг ҳайвондан фарқларидан бири ҳам инстинктларини жиловлай олиши эмасми?

Демак, зинокорликнинг сабаби тийиқсизлик, шайтонга вақтида ҳай бера олмаслик экан. Аллоҳ азиз ва муқаррам қилиб яратган инсон тоқайчага ўзига зулм қилиш йўлини тутди.

Ҳақиқий инсон иллатларга нисбатан муросасиз курашади, қурби етмаса тили билан, ҳеч бўлмаса дили билан...

Ш. ЁДГОРОВ,
«Хукук» муҳбири

Internet ХАБАРЛАРИ

13 ЭШЛИ ҚОТИЛ

Гондурасда 13 ёшли мактаб ўқувчиси пистолет билан ўзининг 8 ёшли синфдошини отиб ўлдирди ва ўқитувчисини оғир жароҳат қилди. Ёш қотил ўқитувчисига дарс вақтида унга бақирганлиги учун ўқ узганлигини, синфдошини эса тасодифан отиб қўйганлиги хусусида тушунтириш берган.

КИЕФАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕЗЛАШДИ

Илгари мексикалик прокурорлар гувоҳларнинг кўрсатмаси асосида жиноятчиларнинг киефасини тайёрлаш учун беш соат вақт сарфлаган бўлсалар, эндиликда бу жараён ярим соат ичида амалга оширилади. Мамлакат криминалистикарига махаллий институт олимлари яқиндан ёрдам бериши. Улар яратган компьютер тизими ёрдамида инсон киефаси озгача кўрсатмалар бўйича зудлик билан тайёрланади. Шу билан биргаликда портретнинг аниқлик даражаси ҳам ортиб, у 95 фоизни ташкил қилди.

МАХБУСЛАР ҚОН ТУКИШДИ

Қозғистоннинг Кустаной вилояти турмаларидан бирида сақланаётган махбуслардан 44 нафари ёлпасига ўз таналарини ҳесиб ташлаганлар. «Интерфакс-Қозғистон» махкамасининг маълум қилишича, қамоқхонада сақлаш таъқиқланган нарсалар юзасидан текшириш ўтказилаётган вақтда махбуслар лезвиялар ёрдамида ўзларининг бўйинлари, қоринлари ва қўлларининг томирларини кеса бошлаганлар. Жабрланганларнинг барчасига тиббий ёрдам кўрсатилган. Маъмурият бундай норозилик сабабини изохламаётган бўлса-да, афтидан, турма ҳаёти махбусларнинг жонига текканга ўхшади...

ҚАЛБАКИ ПУЛ ЯСОВЧИ ТАЛАБА

Кишинёвлик 22 ёшли талаба қиммий йўл билан қиймати 10 лей (1 долларга яқин) бўлган банкнот бўёғини яратишга муваффақ бўлган. Шу йўл билан у сув белгилари туширилган тоза қоғозга рангли принтер ёрдамида 100 лей миқдорига пул чиқаришга эришди. Шундай қилиб, бўёғуси ҳуқуқшуноснинг қашфиёти яхшигина самара берётганлиги. У яширин босмахо-на ташкил этишга ҳам улгурган. Аммо, полициянинг ўз вақтида қўрган чора-тадбирлари натижасида бу ишга ҳеч қўйилди ва қалбаки пул босиб қилинган шугўлланувчи жиноий гуруҳ тузилишининг олди олинди.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Душанба куни эрталабдан Москва метросининг «Кольцевой» йўналиши бўйича поездлар ҳаракати бир соатга тўхтатилди. Бунинг сабаби эса... Соат 9:35 лар атрофида «Киев» станциясида ўтаётган поезд остига бир одам ўзини ташлаган ва шу заҳоти жон берган. Жасад поезд гилдираклари остидадан орадан 35-40 дақиқа ўтгандан сўнг олинган ва айна вақтда марҳумнинг шахси аниқланмоқда.

ЖАҲОЛАТГА ЕТАҚЛАГАН РАШК

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Туннинг ранги қора дейдилар. Унинг қоралигини зулмат қўйнида содир этиладиган қабих ишлар билан изоҳламоқчи бўлганлар ҳақми? Ахир, тун ою юлдузлар ила музайян осмони билан нақадар қиройли.

2000 йил 19 январь тун кўпчилик учун одатдаги тунлардан бири бўлгандир, бироқ эллиқалликлар учун...

УЛФАТЧИЛИК

...Шодибек таниши Шавкат билан бирга Фариданинг уйига ташриф буюрди. Бу орада уларга Давлат ҳам қўшилди. Улар биргаликда уйга киришди. Дастурхон ёзилди. Чой, нон, қанд-курс деганларидек... Кутилмаганда Давлат тилга кирди:

— Буларингизни қўйсангиз-чи, келин. Ундан кўра, ташвиш қилармасдан «мановиндан» олиб чиқинг, — томоғини чертиб кўрсатди у. Сўнг Шавкатга маънодор қараб қўшиб қўйди, — қиттак-қиттак ола-миз-да жўнаймиз.

«Ҳа, томоғингга ўт тушин, сани» — Фариданинг қўнғилдан шу гап ўтди. Бироқ «Мехмон атоий худо» Сездирмади. Аксинча:

— Ҳа, энди айбга буюрмайсиз, ога. Ўйда эркак киши бўлмагандан кейин у зорманда ҳам бўлмас экан-да, — деди-ю, негадир Шодибекка қараб жиймайиб қўйди.

Икки меҳмон уйни тўлдириб қаҳ-қаҳлаб юборди. Шодибек Фариданинг қочиримини тушунса-да, ноилоҳ уларга қўйилиб қўлиб қўйди. Аммо Давлатнинг эндиги гапи ҳаммасидан ўтиб тушди.

— Бошқалар эркак бўлмаса, мана биз эркакмиз-да, келинжон. Нима хизмат бўлса айтувинг...

Давлат шундан дея чўнтагидан пул чиқариб Фариданига узатди. Шодибек тишини ёнжирлатганча чидади.

«Ҳа, энди оғайнилар-да. Ҳадди сиқанидан ҳазил қилишди». Қўнғилдан ўтказган бу гапи билан ўзича хотиржам бўлгандек бўлди. Бироқ Фариданинг нима учун ундай деганини сира тушунолмади. Ахир, ўзиники бита бўлса, уни 3 та боласи билан боқаяпти. Топганини шу ерга ташиса...

Бу орада уй эгаси «яримта»ни келтириб дастурхонга қўйди. Давлат шуни қутиб тургандек, шишани очиб, «соқий»-лики бошлаб юборди. Бир зумда шиша бўшади. Шавкат узы сўраб, юзига фотиҳа тортди.

Улфатлар икки киши қолишди. Давлатнинг ташаббуси билан уй соҳибаси яна бир шиша ароқ келтирди. Аммо бу сафар пулини Шодибек берди. Улар уни ҳам бўшашиб, ўринларидан туришди. Бу пайтда вақт алламоҳал бўлиб қолган, соат миллари 23 ни кўрсатарди. Шодибек Давлат билан хайрлашгач, қоронғу кўча бўйлаб уйига йўл олди.

ГУМОН

Қоронғулик ичра кетиб бораркан, Фариданинг боғи гапи унга ҳеч тинчлик бермасди. «Ўйда эркак бўлмаса... Нима, у мени эркак эмас, демокчим? Нима бўлгандаям, ановларнинг олдида бекор айтиди бу гапни...

Аслида айб ўзида. Гудлек оила-си бўлатуриб қайсиданам шу хотинга илакишиб қолди, ҳали ҳам тушун-

ОҚИБАТИДА 6 КИШИ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМДИ



майти. Одамлар орасида гап-сўз бўлгани етмаганидек, бола тўғилгани ортиқча бўлди-да. Мана натижа. Ипсиз боғланди, қолди. Тагин мана бунақа кесатикларга чидашга тўғри келади. Ҳе, йўқ, чўчварани ҳам санабсиз. Бизам эркакмиз...

Шодибек бирдан бир нарсани эслагандек, юришдан тўхтади. «Тўхта, тўхта. Боя бўйимтилла Давлат билан роса кўз сузишиб ётудия... Ҳа, ҳозир улар бирга бўлишлари аниқ. Анюйинги топибсан. Ким эркакчилигини кўрсатиб қўяман сенларга...»

Шодибек шундай дея изига қайтди. Бу пайтда овулдаги уйлари-нинг чироклари ўчган. Ахён-ахёнда қўлоқча чалинган итларнинг увилла-ши тунги соқиликни бузиб турарди...

ХИЁНАТ

Фариданинг уйига яқинлашган Шодибек унинг деразаси ёнида турган Давлатни қўриб гумони тўғрили-га амин бўлди.

— Нима қилаяпсан бу ерда, ма-раз, — Шодибекнинг таҳдид оҳангли бу сўровидан Давлат саросимага тушиб қолди. «Осмондан тушдимки бу» уйлади у. Шодибек эса унинг жавобини ҳам қутиб ўтирмай, ғазаб билан Фариданинг эшиги томон юрди. Эшикни очган Фаридани қўриб бақира кетди:

— Қандай алоқанг бор, бу аблаҳ билан, айт қанжик?!

Фарида бир оз гарангсиз қолди. Бироқ, гап нима ҳақида кетаётган-лигини англаб етгач, бидиллай бош-лади:

— Нима демокчисан? Мени ким деб ўйлаяпсан? Сенингча, мен дуч келган билан ўйнашиб кетаверадиган итманми? Агар бу билан алоқам бўлсам сенга нима? Бориб хоти-нингга «хўжайин»-лик қил. Битта бола десанг ўзим боқиб оламан. Жўна икковинг ҳам. Кўзимдан даф бўл.

Юзига эшик «қарс» этиб ёпилган-нидан аламзада бўлган Шодибек нима қиларини билмай бироз туриб қолди. Кейин ҳозир бу билан гапла-шишдан фойда йўқлигини англади чоғи Давлатга қараб «Юр» дея бош иргарди.

Улар йўлда кетиб боришарди. Анчагача жим кетишди. Сукутни Шодибекнинг дағал овози бузди:

— Сен менга дўст бўлатуриб, хиё-нат қилмоқчи бўлдинг-а?

Давлат бу саволга нима деб жа-воб беришни ўйлаб, бир оз ўнғай-сизланди. Анчагача индамай кетди. Сўнг у ҳам тилга кирди:

— Тўғри, иккимиз дўстмиз. Бироқ сен мендан қизганганим билан, у бошқалар билан ҳам кайф-сафо қилиб юришини билмайсани?

Шодибек бундай жавоб бўлиши-ни кутмаганди. Ҳатто шу гапи учун дўстини яхшилаб адабини бергиси келди. Аммо негадир бунга журъат етмади. Улар бироз юришиб, жим-гина ажралишди.

ҚАБОҲАТ

Шодибек уйга келганда оила аъзоларининг ҳаммаси уйкуга кет-ган эди. Ўрнига кириб ётаркан, бўлиб ўтган воқеалар қўзи олдида ўта бошлади. Давлатнинг тиржайиб тур-ган башараси, Фариданинг «хоти-нингга «хўжайин»-лик қил» дея эшик-ни қарсиллатиб ёпгани худди кимо лентасидек ҳаёлидан тўхтовсиз ўта-верарди. Шу ётишда қанча ётди бил-майди. Аммо бир қарорга келди чоғи, шарт ўрнидан туриб қийинди-да, ташқарига чиқди.

... Эшикни Фариданинг ўзи очди. Остонада совуқдан жунжиқиб тур-ган Шодибекни қўриб, эшикни ёлмоқчи бўлди ҳам. Аммо негадир ундай қилмади. Очиги ўзи уни кут-ганди ҳам. Шодибек ичкарига кир-ди. Ечиниш ошхона томонга ўтди. Кетидан Фарида ҳам кириб қарши-сиз ўтирди. Улар анчагача жим ўти-ришди.

— Сен менга хиёнат қилдинг. Давлатнинг айтишича, бошқалар билан ҳам алоқада бўлиб юраркан-сан. Мен сендан ҳазар қиламан. Сен билан бир тўшақда ётгандан кўра...

Шодибек сўзини давомини айт-мади. Ўрнидан туриб, девор томон-га ўтирилди. Ундан бутунлай бошқа гапларни кутган Фариданинг мия-сига қон қуйилди. Бир зумга ўзини йўқотди. Кўз олди қоронғулашди. Бирдан стол устидаги ёғоч соли-пичоқни олиб Шодибекка ташлан-ди. У эса буни сезиб қилиб ўпирил-ди-да, пичоқни ушлаб қолди. Пичоқ қўлини кесди. Қон сиза бошлади. Қонни қўриб, Шодибекнинг ғазаби жўшиб кетди. Фаридани қулочкаш-лаб туширди. У зарбанинг қучидан юзубан ерга йиқилди. Фариданинг қўлидаги пичоқ энди Шодибекнинг қўлида эди. Шу топда у нима қилаё-тганини билмас эди. Фариданинг устига келиб дуч келган жойига пи-чок ура бошлади.

— Мана, мана бўлмаса...

Бир зумда ҳаммаёқ қип-қизил қон бўлди.

Шу пайт қўшни хонадан ёш бола-нинг инграган овози келди. Шоди-бек шу томонга юрди. Хонада Фа-

риданинг қизи Хуршида ва ўғли Жамшидбеклар ухлаб ётишарди. «Ҳаммангни ўлдирмаман. Уругин-ни қуритаман, сен наҳс босган-ларни». Шундай дея ширин ухлаб ётган Хуршиднинг бошига бор-ди. У ҳатто қўзини очинга улгур-мади.

Энди гал 9 яшар Жамшидбекка келди. Шодибек қўлига қаёқдан-дир тушиб қолган ўқлов билан унинг бошига урди. Ўйку оғушида ётган гўдак бир ингради-да, тин-чиб қолди.

— Она, онажон, — ёш боланинг қўққисдан келган овози ҳозирги-на уч инсоннинг ҳаётига зомин бўлган қонхўр қотилни сергак тор-тирди. Хонада Фариданинг 10 ёшли ўғли Хушнудбек ички қийим-да онасининг қони жасадини қўриб хайрат билан жойида қотган-ча турарди. Шодибек бир муддат шошиб қолди. Қўлидаги ўқлов бил-лан уни ҳам туширди. Хушнудбек ерга хушсиз қулади.

Бу пайтда қўшни хонада қизчаси билан ухлаб ётган Фариданинг кели-ни, аниқроғи ўқасининг хотини Малоҳат шовқиндан уйғониб чиқиб келди. У бу ердаги дахшатли манза-рани қўриб, бақирганча қўчага отил-ди. Шодибек унинг кетидан қувиб чиқаётганда хона ўртасида хушсиз ётган Хушнудбек ўзига келиб, дера-задан сакраб қочиб кетди. Қотил бир лаҳза саросималаниб қолди.

Сўнг ўзини тутиб олиб Малоҳатнинг кетидан югурди. Унга етиб олиб, орқа томонидан пичоқ урди. Мало-ҳат бир «оҳ» деди-да, сал юриб, ерга қулади. Қўзлари қонга тўлган қотил эса унинг устига чиқиб «Мана сенга қочиш, мана... мана...» дея пичоқ санчарди. Сўнг жувоннинг тин-чиб қолганини сезгач, қўлтигидан судраб уйга олиб кирди.

Шу дамда унинг қўзи бешикда ухлаб ётган, ўз пуштиқамаридан бўлган 4 ойлик Оғабекка тушди. Бешик тепасига келиб, бир паст унга термулди. Гўдак ширин уйкуда ётар-ди. Бир зум чалқоқча тикилиб тур-ган Шодибекнинг қўнғилда шу дам оталик меҳри уйғонгандай бўлди. Бироз ҳовуридан тушди.

«У бошқалар билан ҳам кайф-сафо қилиб юриди», Давлатнинг бир неча соат олдин айтган гапи Шоди-бекнинг ҳаёлларини тарқатиб юбор-ди. «Ҳароми» шундай деди-ю, важо-ҳат билан туриб, печкага уланган газ шлангини суғуриб олиб, ёниб турган холича бешикнинг остига қўйгач, отилганча уйдан чиқиб кет-ди. Аммо қўшни хонада Малоҳат-нинг 3 яшар ўғли ухлаб ётганлиги-дан унинг хабари йўқ эди. Бир оздан сўнг аланга ичра қолган уй ичидан икки нарасида гўдакнинг дилини ўрта-гучи наҳоткорона чинқирғи эши-тилди...

Қотилнинг қўлидан қочиб улгур-ган Хушнудбекнинг кўрсатмалари билан Шодибек Мавлонов қўлга олинди. У тергов ва судда барча айбларини бўйнига олди. Жаҳолат-га етаклаган рашк оқибатида 6 на-фар инсоннинг ҳаётидан бевақт ви-долашшига сабаби бўлган қотил-ни суд олий жазога муносиб деб топди.

А. АХМЕДОВ,
Республика прокуратураси
бошқарма бошлигининг
ўринбосари,
Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Хуқуқ»нинг махсус муҳбири

ДЕТЕКТАРИХДА

26 июль - 1 август

1923 йил 1 август. АКШ президенти Уоррен Гардинг кутилмаганд вафот этди.

Шуни таъкидлаш кераки, у бошқарган йиллари мамлакатда нефть захиралари мавжуд бўлган ерларни олиб-сотиш бўйича чайковчилик авж олганлиги сабабли катта жанжал кўтарилди. Уша пайтдаги маълумотларга қараганда, бу ишларда президентнинг яқин дўстлари ҳам фаол қатнашишган.

Бирок, кутилмаганда президент Гардинг бегоб бўлиб қолади. Уни овқатдан заҳарланган деб эълон қилишди. Соғлиги бироз яхшиланганлигига қарамай, 58 ёшли Гардинг ҳаётдан кўз юмди.

«Президент ўз вақтидан дунёни тарк этди» деб ёзади унинг шахсий биографи Адамс. Президент ўлимининг ёлғиз гувоҳлари - унинг хотини Гардинг хоним ҳамда шахсий врачлари генерал Сойерлар сал ўтмай ҳеч кутилмаганда сирли равишда вафот этишади.

Ҳаммаси худди тарихий детективни эслатади. Бирок бу воқеа бўйича асл ҳақиқат ҳамон очилганича йўқ.

1978 йил 2 август. Москва кўзғалиб қолди. Бунга сабаб бор эди, албатта. Совет фуқароси биринчи бор катта мулк соҳибаси бўлган Габр аёлига уйланди. Улар марҳум грек мултьмиллионерни Онассиснинг кизи - Кристина Онассис ва «Совфрахт» кемасозлик компаниясининг ишчиси Сергей Каузовлар эди. Ушбу никоҳ Кристина учун учинчиси бўлса, Сергейнинг иккинчи турмуши эди.

Уларнинг илк танишувлари, сўнгра никоҳ тўйлари қанчалик сирли бўлган бўлса, кейинчалик ажралишлари шунчалик мунгли ва қайғули экун тоғли.

Сергей бу ажралишдан сўнг соғва сифатида танкер эгаси бўлди. Аммо унинг махсус хизмат билан алоқаси бўлгани, деган савол ҳамон жумбоқлигича қолмоқда.

1989 йил 27 июль. Таиланд пойтахти Бангкокда криминал суд Фирибгарликда учига чиққан аёл Чамой Хитъяосони ноқонуний банк операцияларини амалга оширганга учун 141048 (!) йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ**БРИТНИ СПИРС**

Юлдузлар ҳаёти миш-мишларга, шов-шувларга ҳаммиша бой бўлган. Поп муסיқа осмонидида Бритни Спирс номли юлдуз пайдо бўлиши билан, унинг теграсида ҳам турли хил гап-сўзлар айлана бошлади.

Мана улардан бири: эмишки, инглиз бойваччаларидан бири Бритнига бир оқшомни биргаликда ўтказишни таклиф этибди ва ташриф ҳақиға 1,7 млн. фунт-стерлинг беришга тайёр эканлигини билдирибди. Бритни эса ўз қадрини миллионлардан устун қўйишини айтган ва хотамтой бойваччага муздай душ қабул қилиб, бундай телба ҳаёллардан халос бўлишни маслаҳат берган.

Бу миш-мишининг ҳовури босилар-босилмас, Бритни ҳақида навбатдаги узун кулоқ гаплар пайдо бўлди. Ушундай гапларга кўра, Бритни Спирс билан малика Диана ва шахзода Чарльзнинг катта ўғли Вильям ўртасида ишқий муносабатлар пайдо бўлган эмиш. Бритни бу гапларга ойдинлик киритиш мақсадида Лондон газеталаридан бирига берган интервьюсида шундай деган:

Мен барчасини обдон ўйладим, Қироллик оиласининг аъзоси бўлиш ҳақиқатан қийин. Лекин, муҳаббат ҳар нарсасига қодир экан. Агарда Вильям турмушга чиқишни таклиф этса, мен бунга розиман!


Ушбу интервью чоп этилиши муносабати билан қирол оиласи газетадан Диананинг ҳали воёга етмаган фарзандларининг шахсий ҳаётини қавлатирмасликини сўраган. Вильямнинг атрофдагилар эса унинг Изабелла исми таниши борлигини таъкидлашган. Наҳотки ёш шахзоданинг юраги шунчалик ўзгарувчан бўлса?

«Стайл» журнаliga берган интервьюсида Бритни Вильям билан ўрталарида бўлган муносабатга янада аниқлик киритиб, шахзода билан бир марта ҳам учрашмаганлигини эътироф этган.

Ўз устида жуда кўп ишлашдан ва очикчасига гапиришдан чарчамайдиган Спирс, журнал муҳбирига Американинг «N Sync» поп ғруҳи аъзоси бўлган Юстит Тимберлак исми ошғи борлигини гап орасида кистириб ўтган. У шахсий ҳаёти хусусида жиддийроқ бош қотиришга вақти етмаётганлигини, охириги олти ой мобайнида бор-йўғи икки кун дам олганлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Ха, ярим йил мобайнида ҳеч ким танимайдиган мактаб ўқувчисидан ҳаҳон микёсидаги юлдузга айланган, илк икки альбоми 27 миллион нусхада тарқалиб, шону шуҳратга бурканган 18 ёшли қизалоқнинг ҳаёти хусусида ҳозирча шунақа шов-шувлар. Лекин, шахзода Вильям уни учрашуга таклиф этгани рост бўлиб қиди. Шахзода Бритнига Бункингем саройига ташриф буюриш учун факс йўллаган. Аммо, Британия газеталаридан бири бундан хабар тоғач, шов-шувларга чек қўйиш мақсадида иккала томон учрашувни кечиктирган.

Л.НОРКУЛОВ тайёрлаган

**КРОССВОРД**

Энига: 1.Юз, бет. 4.Кувнок. 7.Атир-упалар билан савдо қилувчи тижоратчи. 8.Фасл. 9.Ёзувчи Саид Аҳмад асари. 10.Республикамикиздаги дарё. 11.Шириннинг антоними. 14.Зиё, ёруғлик. 15.АҚШда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 17.Спиртли ичимлик. 18.Қимматбаҳо тош. 19.Нарвоннинг Фарғона шевасида атилиши. 23.Германиядаги шахар. 24.Атмосферадаги газ. 25.Яширин, махфий маълумот. 28.Оммавий ахборот воситаларидан бири. 29.Илк ов қуролларидан бири. 31.Тоғ жинси. 32.Шахмат ўйинидаги дуранг натижа. 34.Даврий нашрларга расмийлаштириш. 35.Хитойнинг яна бир номи. 36.ишора.

Бўйига: 2.Ҳарбий машина. 3.Металл тури. 4.Дунё кутби. 5.Африкадаги давлат. 6.Хитойдаги шахар. 10.Ахмоқ. 12.Ошхона буюми. 13.Спорт моллари билан жаҳонга машхур немис фирмаси. 16.Туркияда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 17.Касаллик. 20.Етук ўзбек шоири ва давлат арбоби. 21.Гўёндан модда. 29.Ириқ насрий асар. 26.Икки ва ундан ортик кишининг ўзаро суҳбати. 27.Миллий таом. 30.Қўшиқ. 31.Давлат рамзи. 32.Ти-ниш белгиси.

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Бахил. 2. Калиш. 3. Он. 4. От. 5. Сабон. 6. Дароз. 7. Ун. 8. Ой. 9. Рўмол. 10. Хамир. 11. Ол. 12. Ис. 13. Минут. 18. Бидон. 19. Завод. 20. Диван. 21. Тарик. 22. Ховуз. 23. Масал. 24. Толим. 30. Колип. 31. Чўқур. 32. Косиб. 33. Милод. 34. Сигир. 35. Хотам. 36. Манти. 41. Симоб. 42. Сочик. 43. Сироп. 44. Сокол. 45. Почин. 46. Наган. 47. Истақ. 48. Савок. 54. Намоз. 55. Лоҳас. 56. Қошиқ. 57. Қирон. 58. Совун. 59. Насаб. 64. Сўроқ. 65. Варак. 66. Чапак. 67. Шоира. 68. Содда. 69. Титан. 70. Вагон. 76. Чу. 77. Шу. 78. Ре. 79. «Иж». 80. Ар. 81. Фа.

Энига: 2. Ҳарбий машина. 3. Металл тури. 4. Дунё кутби. 5. Африкадаги давлат. 6. Хитойдаги шахар. 10. Ахмоқ. 12. Ошхона буюми. 13. Спорт моллари билан жаҳонга машхур немис фирмаси. 16. Туркияда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 17. Касаллик. 20. Етук ўзбек шоири ва давлат арбоби. 21. Гўёндан модда. 29. Ириқ насрий асар. 26. Икки ва ундан ортик кишининг ўзаро суҳбати. 27. Миллий таом. 30. Қўшиқ. 31. Давлат рамзи. 32. Ти-ниш белгиси.

ТАСОДИФ**ОҚ АКУЛА ҲУЖУМИ**

Бу воқеа Хинд океанининг Ист-Лондон порти яқинида содир бўлди. Океаннинг қирғоққа яқин жойида серфинг (сув спорти тури) билан шуғулланаётган бир ўсмирга тўсатдан узунлиги тўрт метрча келадиган оқ акула ҳужум қилган. Натижада ўн беш ёшли Шаппон Айлслининг ўнг қўли қафти жиддий жароҳатланган.

Одатда тюлень ва балиқлар билан овқатланувчи оқ китларни Жанубий Африка, Австралия ва Калифорния қирғоқларига яқин жойларда учратиш мумкин. Узунлиги етти метрча, оғирлиги 4 тоннагача борадиган бу жониворлар одатда одамларга камдан-кам ҳужум қиларкан. Унда ҳам бундай ҳужумлар акулаларнинг адашиб инсонни тюленга ўхшатиши туфайли содир этиларкан.

Тошкент юридик коллежи жамоаси коллежининг ижтимоий фанлар кафедраси лаборанти

Ноҳира ЗУПАРОВАНИНГ

бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

**9 — SANIFA**

Одамлар ўқшидан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайд.

У ПАЙТЛАРДА АВТОБУСЛАР БЎЛМАГАН...

Инглиз тилини ўрганаётган янги рус ўқитувчисига миннатдорчилик билдириб:

— Катта раҳмат! Бордию менда бирор хизматингиз бўлса, бемаъл айтаверинг, — деди.

— Сиздан ягона илтимосим, — деди унга жавобан ўқитувчи, — инглиз тилини мендан органганингизни ҳеч кимга айта кўрманг...

Эшик шитиб билан очилиб, директорнинг қаршиида котиба пайдо бўлди.

— Қабулхонада қандайдир бир одам ўтирибди, — деди у ҳовлиқанча.

— Ҳозирча сиз тўламай келаятган қандайдир ҳисоб-китоб масаласида келганмиш...

— Хм... шунақа денг? Кўриниши қандақ?

— Кўриниши шундай ваҳжотлики, яхлиси барча қарзларни ҳозирок нақд пулда тўлаб юбораверинг, ҳўжайин!

Янги руснинг хотини китоб дўконига кириб:

— Менга лотинча сўзлашгич керак. Унда «Мен дўконга қандай боришим керак?», «Қайси автобуста?» деган сўзлар бўлиши лозим.

— Кечирасиз, хоним, лотин тилида бундай сўзлар йўқ. Негаки, у пайтларда дўконлар ҳам, автобуслар ҳам бўлмаган...

— Нима, мени лаққиллатаяпсизлар, шекилли? Мен у кундан сўнг Лотин Америкасига учиб кетишим керак. Сизлар бўлса, у ерда дўконлар ҳам, автобуслар ҳам йўқ, дейсизлар.

Бир одам китоб дўқони сотувчисида сўради:

— Сизда «Қандай бойиш мумкин?» деган китоб борми?

— Бор, афандим. Фақат у Жиноят кодекси билан қўшиб сотилади.

Ўзини маданиятли деб ҳисобловчи аёллардан бири расмлар кўргазмасига ташриф буюрди. Уни ёз манзараси тасвирланган картина алоҳида қизиқтириб қолди. У расмонни қандай топиш мумкинлигини сўраштиради.

— Сиз бу картинани сотиб олмакчимисиз?

— Йўқ, мен шунчаки, расмондан ёзни қаерда ўтказганини сўрамоқчи эдим.

Ш.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлаган